

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ташкилотларда
меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини
ташkil этиш тартиби тўғрисида Низом”га
ТУШУНТИРИШЛАР**

I. Умумий қондалар

1. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом (кейинги ўринларда матнда Низом деб юритилади) “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (кейинги ўринларда матнда ташкилотлар деб юритилади) меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш тартибини белгилайди, улар фаолиятини ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилайди, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Низомда қўлланилган асосий тушунчаларга асосан:

меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати – меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (бошлиғи) раҳбарлик қиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар штатидан ташкил топган ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмаси ёхуд ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ва ушбу талаблар бажарилишини назорат қилиш мақсадида мажбурий тартибда тузиладиган ёки киритиладиган лавозим;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис – меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёки ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларини бажарувчи шахс ҳисобланади.

II. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

3. Иш берувчи ташкилотда Хизматни ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши шарт.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хизматни ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этмаслик меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳисобланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати меъёр бўйича Низомнинг 1-иловасига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш сектори шаклида тузилиши ёки битта меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси штатидан иборат бўлиши мумкин.

Хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартириш ёки давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий бўлинмаларига қайта тақсимлаш мумкин эмас.

Хизмат бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.

5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида идоравий (тузилмавий, аъзолик, назорат остидаги) ташкилотлар сонини, фаолият хусусиятларини, касб билан хавф турини ва ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари (бошқармалари, бўлимлари, секторлари) ташкил этилади, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади ёки хизмат функциялари махсус тайёргарликка эга ходимга юкланади.

Бунда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши ёки Хизмат функциялари махсус тайёргарликка эга бўлган ходимга юклатилиши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда ушбу органлар ходимларининг тасдиқланган сонини, улар тузилмасига қарадиган ташкилотлар фаолиятининг хусусиятларини, касбга оид хавф-

хатарни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

6. Мехнатни муҳофаза қилиш тузилмаси ва Хизмат ходимларининг сони ташкилотда ишлаётган ходимларнинг сони, меҳнат шароитлари хусусияти, касбга оид хавф-хатар синфи ва бошқа омилларга қараб ташкилот раҳбари томонидан “Ташкилот меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг тавсия этилган тузилмаси”га мувофиқ қўйидаги тартибда белгилананди:

6.1. Ходимлар сони 50 кишидан кам бўлганда:

- касбий хавф даражалари 1-15 – даражагача бўлганда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифалари ташкилот раҳбарларидан бирига юкланади;

- касбий хавф даражалари 15-20 – даражани ташкил этганда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

6.2. Ходимлар сони 51 кишидан 100 кишигача бўлганда:

- касбий хавф даражалари 1-10 – даражагача бўлганда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифалари ташкилот раҳбарларидан бирига юкланади;

- касбий хавф даражалари 10-15 – даражагача бўлганда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади;

- касбий хавф даражалари 15-20 – даражани ташкил этганда Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилади.

6.3. Ходимлар сони 101 кишидан 500 кишигача бўлганда:

- касбий хавф даражалари 1 – даражани ташкил этганда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифалари ташкилот раҳбарларидан бирига юкланади;

- касбий хавф даражалари 2-10 – даражагача бўлганда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади;

- касбий хавф даражалари 10-15 – даражагача бўлганда Меҳнатни муҳофаза қилиш шубҳаси тузилади;

- касбий хавф даражалари 15-20 – даражани ташкил этганда Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ташкил этилади.

6.4. Ходимлар сони 500 киши ва ундан ортиқ бўлганда:

- касбий хавф даражалари 1 – даражани ташкил этганда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади;

- касбий хавф даражалари 2-10 – даражагача бўлганда Меҳнатни муҳофаза қилиш шубҳаси тузилади;

- касбий хавф даражалари 10-15 – даражагача бўлганда Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ташкил этилади;

- касбий хавф даражалари 15-20 – даражани ташкил этганда Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари ва шубҳаларидан иборат Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади.

Ходимлар сонининг ҳар бир қўшимча 50 та штат бирлиги учун 1 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис қўшимча киритилади.

Вазирлар 2009 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари”га мувофиқ касбий хавф даражалари (иш берувчи фаолиятининг барча турлари профессионал таваккалчилик даражасига қараб 20 та классларга бўлинган) белгиланган.

7. Ходимлари сони эллик кишидан кам бўлган ва касб билан боғлиқ хавф-хатарнинг 1-4 турларига кирадиган ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади ёки тегишли тайёргарликка эга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

8. Юридик шахсни ташкил этмай ўз фаолиятини амалга оширувчи ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимлар ёлловчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун, шунингдек фермер хўжаликлариди (кишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш бўйича корхона мавжуд бўлмаса) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими

жорий этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари вазифаларини бажариш махсус тайёргарликка эга ходимга юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юкланган масъул ходимлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 246-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан давомийлиги 18 академик соатдан кам бўлмаган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака оширишлари лозим.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаларини амалга ошириш учун ушбу тушунтиришнинг 6 ва 7-бандларида белгиланган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари жалб қилиниши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари жалб қилиниши учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 246-сонли қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат вазифасини амалга оширувчи юридик шахслар “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ягона реестри”га киритилган бўлиши керак.

Ягона реестр меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ахборот банки ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Mehnat.uz сайтига жойлаштирилган.

10. Элликта ва ундан кўп транспорт воситасига эга ташкилотда хизматдан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

III. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг фаолиятни ташкил этиш

11. Иш берувчи (ташкилот раҳбари) Хизмат ходимларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича:

Низомда белгиланган ҳолларда ва тартибда хизматни ташкил этиши;

Хизмат ходимлари ўз ваколатлари ва вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши;

Хизмат ходимларининг иш жойларини алоҳида бинода ташкил этиши, иш хусусиятларини ҳисобга олиб, замонавий офис техникаси, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини тезкор назорат қилувчи зарур асбоблар, техник алоқа воситалари билан таъминлаши ва ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун жиҳозлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш хонасини Хизмат функцияларини бажариш (ўқитиш, йўл-йўриқ бериш, семинарлар, маърузалар, кўргазмалар ўтказиш) учун меҳнатни муҳофаза қилишга доир зарур норматив ҳуқуқий адабиётлар ва маълумотномалар билан жиҳозлаши;

Хизмат ходимлари мунтазам малака оширишини ташкил этиши ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини билишини текшириши;

қонун ҳужжатларининг ва ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ ходимлар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишини таъминлаши, ўқиётган вақтда уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини оширишга жамоавий битим, жамоавий шартнома ва бошқа маҳаллий норматив ҳужжатда белгиланадиган миқдорда зарур маблағлар ажратиши шарт.

12.Хизмат ходимлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун маблағ сарфламайди.

IV.Хизмат раҳбарига ва мутахассисларига қўйиладиган талаблар

13. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, компаниялар ва ташкилотлар хизмат бошлиғи лавозимига олий муҳандислик-техник маълумотга, ихтисослиги бўйича камида уч йиллик иш стажига ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган **меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис малакаси сертификати**га эга шахслар тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириши тўғрисида”ги 246-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириши тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати бошлиғи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган малака оширишдан ўтказилади.

Давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш курсларидан ўтган шахсларга малака ошириш курсларидан ўтгандан кейин бир йилгача меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатини олиши учун малака имтиҳонлари топшириши ҳуқуқи берилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатини олиши учун малака имтиҳонлари топшириши Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси ва “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси билан келишилган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 70-ич-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассис малака сертификатини олиши учун имтиҳонларни ташкил этиши махсус идоралараро имтиҳон комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомга асосан имтиҳон комиссияси таркиби 9 кишидан иборат бўлиб, 7 та доимий аъзолари - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази раҳбар ва ходимларидан ҳамда 2 та таклиф этиладиган, алмашиб турадиган, амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги олимлар таркибидан иборат.

Талабгорлар томонидан малака имтиҳонини топшириши учун белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлари асосида малака имтиҳонига қўйилади ва малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясининг протоколи билан расмийлаштирилади. Малака имтиҳонини мувоффақиятли топширган талабгорга меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисининг малакавий сертификати топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази имтиҳон комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

14.Хизмат бошлиғи (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар), республика даражасидаги ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда Давлат меҳнат инспекцияси олдида ҳисоб беради.

Хизмат бошлиғи лавозимига (кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари) олий

муҳандислик-техник маълумотга, ихтисослиги бўйича камида уч йиллик иш стажига ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис малакаси сертификатига эга шахс тайинланади.

15. Худудий даражадаги ташкилотнинг Хизмат бошлиғи, меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси худудий органларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, худудий бандлик бошқармасига ҳисоб беради.

Хизмат мутахассислари ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимига (лавозим жорий этилса) иш стажидан қатъи назар олий муҳандислик-техник маълумотга эга шахслар тайинланади.

Худудий даражадаги Хизматнинг мутахассислари худудий бандлик органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати функцияларини бажариш махсус тайёргарликка эга ходимга юклатилган тақдирда, ушбу ходимни лавозимга тайинланиши ва озод этилиши бандлик органлари билан келишуви талаб этилмайди.

16. Хизмат ходими лавозимга қабул қилишда номзод билан суҳбат ўтказилади. Суҳбат жараёнида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига оид саволлар бериш орқали ўтказилади.

Номзод билан суҳбат ташкилотнинг бевосита раҳбари томонидан имзоланган тақдимнома бўлса, ўн кун ичида ўтказилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида суҳбат ушбу соҳага жавобгар вазир ўринбосари, давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат бош техник инспектори, меҳнат шароитлари бўйича бош эксперт томонидан ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари, давлат меҳнат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат бош техник инспектори томонидан ўтказилади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларида суҳбат бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат бош техник инспектори томонидан ўтказилади.

18. Суҳбат яқунлари бўйича масъул орган уч иш куни ичида номзод суҳбатдан ўтгани ёки ўта олмагани ҳақида ташкилотни хабардор қилади.

19. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (бошлиғи) ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар лавозимга тайинланса, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Республика меҳнат органлари ходимларини малака ошириш курсларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрланиши ёки малакаси оширилиши керак.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотларнинг хизмат ходимлари уч йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Республика меҳнат органлари ходимларини малака ошириш курсларида малака оширади.